



АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА ОҚЛОВ ҲУКМИНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ

Пирназаров Абдурашид Абдулахаевич

Тошкент давлат юридик университети

мустақил изланувчиси

+998977189868, abdpirnazarov@gmail.com

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i02-p3-92>

ARTICLE INFO

Received: 08th February 2023

Accepted: 16th February 2023

Online: 17th February 2023

KEY WORDS

Одил судлов, суд ваколати, оқлаш асослари, мақбул далиллар, жиноий таъқиб, судланувчи, маҳкум, оқланган шахс.

ABSTRACT

Хорижий мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида ҳукми эълон қилиш асослари ҳамда уларнинг процессуал тартиблари ёритилган. Шунингдек, оқлов ҳукмини чиқариш учун процессуал қонунчиликда қандай асослар белгиланганлиги таҳлил қилинади. Хусусан, хорижий мамлакатларнинг одил судловини таъминлашда суд томонидан оқлов ҳукмини чиқариш учун жиноят-процессуал қонунчилигида қандай тартиблар белгиланганлиги, суднинг ваколатлари назарий жиҳатдан изоҳлаб берилади.

Аввало баъзи чет эл давлатларининг жиноят-процессуал кодексини ўрганиш давомида қиёслаш учун айтиш керакки, айрим МДХ мамлакатларининг жиноят-процессуал кодексларида мавжуд бўлган оқлов ҳукмини чиқариш асослари, бизнинг жиноят-процессуал кодексимизда акс эттирилган оқлов ҳукмини чиқариш асосларидан номукамалроқ деб айтишимиз мумкин.

Масалан, бир қатор МДХ (Украина, Россия, Эстония) давлатларининг жиноят-процессуал кодекси ўрганилиб, Ўзбекистон жиноят-процессуал кодекси билан қиёсланганда, Уларнинг жиноят-процессуал кодексига оқлов ҳукмини чиқариш учун алоҳида моддалар ва оқлов ҳукмининг асослари назарда тутилмаган. Ҳар иккала айблов ва оқловнинг барча турлари бир моддада акс эттирилган. Баъзи давлатларнинг (Грузия, Латвия) жиноят-процессуал кодексига оқлов ҳукмини чиқариш асослари алоҳида моддада белгиланган бўлсада жуда қисқа 2 банддан иборат мавҳум тарзда акс эттирилган[1].

Шунингдек баъзи (Озарбайжон, Молдова, Эстония, Россия, Қозоғистон) давлатларининг жиноят процессуал кодексига оқлов ҳукмини чиқариш асосларини ҳам камчилик ҳам ютуқли томонларини ўрганиб, уларнинг тажрибасидан унумли фойдаланишимиз ҳам мумкин экан[2].

Хусусан, Украина жиноят-процессуал кодексининг 373-сонли "Жазо турлари" моддасида, агар қуйидагилар исботланмаган бўлса, оқлов ҳукми чиқарилади:

- 1) шахс айбланаётган жиноятни содир этилганлиги исботланмаган бўлса;
- 2) жиноят судланувчи томонидан содир этилганлиги исботланмаган бўлса;



3) судланувчининг қилмишида жиноят таркиби мавжудлиги исботланмаган бўлса.

Украина жиноят-процессуал кодексининг 1-моддаси 1 ва 2-бандларида назарда тутилган жиноят ишини ёпиш учун суд томонидан қуйидаги асосларни белгилашда оқлов ҳукми ҳам қабул қилинади:

- 1) жиний жавобгарлик тўғрисидаги ҳодисанинг йўқлиги аниқланган бўлса;
- 2) қилмишда жиноят таркиби йўқлиги аниқланган бўлса.

Россия Федерациясининг амалдаги жиноят-процессуал қонунчилиги (Россия Федерацияси жиноят-процессуал кодексининг 2-моддаси) қуйидаги ҳолларда оқлов қарорини қабул қилади:

- 1) жиноят содир этилганлиги аниқланмаган бўлса;
- 2) судланувчи жиноятни содир этишга аралашмаган бўлса;
- 3) судланувчининг ҳаракатида жиноят таркиби мавжуд бўлмаса;
- 4) ҳакамлар ҳайъати томонидан судланувчига нисбатан оқлов ҳукми чиқарилса.

Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 3 моддаси 302 қисмига кўра, ушбу асосларнинг ҳар қандайига асосланиш айбланувчини айбсиз деб тан олишни англатади ва уни Россия федерацияси жиноят-процессуал кодексининг 18 бобида белгиланган тартибда қайта тиклашга олиб келади.

Эстония Жиноят-процессуал кодексининг "Ҳукмнинг турлари ва унинг таркиби" тўғрисидаги 309-моддасида, жиноят содир этилганлиги ёки жиноятнинг ўзи суд жараёнида аниқланмаган ҳолатларда, оқлов ҳукми чиқарилиши; ёки жиноятнинг айбланувчи томонидан содир этилганлиги исботланмаган бўлса; ёки прокурор айбловни бекор қилган бўлса оқлов ҳукмини чиқариш мумкинлиги акс эттирилган.

Арманистон, Молдова, Қозоғистон, Туркменистон ва Грузия каби мамлакатларнинг Жиноят-процессуал кодексида оқлаш билан боғлиқ мустақил нормалар мавжуд[3].

Арманистон Жиноят-процессуал кодексининг "Оқлов ҳукми" тўғрисидаги 366-моддасида суд, агар Кодекснинг 35-моддаси 1 ва 2-қисмларининг 1-3-бандларида назарда тутилган асослардан бири бўлса, суд томонидан ушбу суд мажлисида оқлашга мажбур.

Арманистон Жиноят-процессуал кодексининг 35-моддасида жиноят иши ва жиний таъқиб қилишни истисно қиладиган ҳолатлар назарда тутилган.

Ушбу меъёрнинг 35-моддаси 1 ва 2-қисмларининг 1-3-бандларидан келиб чиқиб, қуйидаги ҳолларда оқлашга йўл қўйилади:

- 1) жиноят содир этилмаган бўлса;
- 2) қилмишда жиноят таркиби мавжуд бўлмаса;
- 3) зарар етказган қилмиш жиноят кодекси бўйича қонуний ҳисобланса; айбланувчининг жиноят содир этилишида иштирок этишининг исботи йўқлиги, ҳамда агар янги далиллар олишнинг барча имкониятлари тугаган бўлса.

Молдова Жиноят-процессуал кодексининг 390-моддасига биноан "Оқлов ҳукми" чиқарилади, агарда:

- 1) жиноят содир этилганлиги аниқланмаган бўлса;
- 2) судланувчи қилмишни содир этмаган бўлса;
- 3) судланувчининг ҳаракатида жиноят аломатлари бўлмаса;



4) қилмиш жиноят қонунида назарда тутилмаган бўлса:

5) қилмишнинг жиноий хусусиятини йўқ қиладиган сабаблардан бири мавжуд бўлса.

Қозоғистон жиноят-процессуал кодексининг 394 "Оқлов ҳукми" моддасига мувофиқ, қарор қабул қилинади, агарда:

1) жиноий ҳодиса йўқ бўлса;

2) судланувчининг ҳаракатида жиноят таркиби мавжуд бўлмаса;

3) судланувчининг жиноят содир этишда иштироки исботланмаган бўлса.

Туркменистон Жиноят-процессуал кодексининг 419-моддаси "Оқлов ҳукми"га бағишланган бўлиб, ушбу турдаги ҳукмлар қўйидаги ҳолларда чиқарилиши мумкинлигини назарда тутди[4]:

1) жиноий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси йўқ бўлса;

2) судланувчининг ҳаракатида жиноят таркиби мавжуд бўлмаса;

3) судланувчи жиноятни содир этишга аралашмаган бўлса.

Гарчи Грузиянинг Жиноят-процессуал кодексига оқлов ҳукми тўғрисидаги алоҳида модда ажратилган бўлса-да, у одатдаги оқлов ҳукми чиқарилишини белгиладиган аниқ асослардан воз кечилган. Хусусан, Грузия Жиноят-процессуал кодексининг 270-моддасида "Оқлов ҳукми" айбланувчига қўйилган айбни тасдиқланмаганлиги ҳамда оқлов ҳукмида оқланганнинг айбдорлиги ёки унинг шахсини ҳақорат қиладиган сўзлар бўлмаслиги керак дейилган.

Оқлов ҳукми чиқариш асослари билан боғлиқ айрим моддалар Латвия, Беларус, Қирғизистон, ва Озарбайжоннинг жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам мавжуд[5].

Масалан, Латвия Жиноят-процессуал кодексининг 519-моддаси "Оқлов ҳукмини чиқариш учун асослар" га кўра суд оқлов ҳукмини қўйидаги ҳолларда қабул қилади, агарда:

1) айбланувчи томонидан содир этилган қилмишда жиноят таркиби мавжуд бўлмаса;

2) айбланувчининг жиноий ҳаракатдаги иштироки исботланмаган бўлса.

Беларус жиноят-процессуал кодексининг 357-моддаси "оқлов ҳукмининг асослари" га мувофиқ, оқлов ҳукми чиқарилади, агарда:

1) агар жиноят қонунида назарда тутилган ижтимоий хавфли ҳаракат бўлмаса;

2) агар айбланувчининг ҳаракатида жиноят таркиби мавжуд бўлмаса;

3) агар айбланувчининг жиноят содир этишда иштироки исботланмаган бўлса.

Қирғизистон Жиноят-процессуал кодексининг 340-моддаси "Оқлов ҳукми тўғрисида қарор чиқариш асослари"да оқлов ҳукми қўйидаги ҳолларда қабул қилиниши айтилган:

1) жиноят ёки нотўғри хатти-ҳаракатлар содир этилмаган бўлса;

2) айбланувчининг ҳаракатида жиноят ёки нотўғри хатти-ҳаракатлар мавжуд бўлмаса;

3) жиноят қонунида асосланган зарар етказадиган қонуний ҳаракатлар (зарурий химоя, минимал химоя, асосланган эҳтиёж, жисмоний ёки руҳий зўрланиш, жиноят ёки ножўя хатти-ҳаракатни содир этган шахсни ҳибсга олиш пайтида зарар етказиш, буйруқ ёки бошқа фармойишни бажариш, шунингдек лавозим дойирасидаги мажбуриятлар, асосли хавф, уюшган жиноий гуруҳ ёки жиноий ташкилот таркибида махсус топшириқни бажариш);

4) ҳакамлар ҳайъати томонидан айбланувчига нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганда.



Бироқ, қайси ҳолатларда уларни оқлаш учун қайси асослардан фойдаланиш керак эканлиги ҳақида ушбу моддаларнинг барчасида изоҳ берилмаган[6].

Озарбайжон қонунчилиги мутлақо бошқа йўлдан борган. Ушбу мамлакат Жиноят-процессуал кодексида нафақат оқлаш учун маълум асосларни тақдим этади, балки ушбу асосларга қараб қандай ҳолларда оқлов ҳукми чиқарилишини ҳам тушунтиради.

Озарбайжон Жиноят-процессуал кодексининг 42-моддаси "Оқлаш учун асослар"га кўра, унга нисбатан жиноят содир этишда шахснинг айбсизлигини тасдиқловчи оқлов ҳукми қуйидаги ҳолатларда суд томонидан кўриб чиқилиши натижаларига кўра белгиланади:

- 1) жиноят содир этилмаганлиги;
- 2) қилмишда жиноят таркиби мавжуд эмаслиги;
- 3) айбланувчининг содир этилган жиноятга алоқаси йўқлиги;
- 4) айбланувчининг айби исботланмаганлиги.

Бундан ташқари, худди шу қоида, юқорида санаб ўтилган асосларга биноан, оқлов қарорининг ҳар бир бандининг изоҳи ҳам келтириб ўтилган[7]:

- биринчи асосда (жиноят содир этилмаган), агар воқеа содир бўлмаган ёки содир бўлган воқеада жиноятнинг мавжудлиги исботланмаган бўлса, оқланиши мумкин;
- иккинчи асосда (қилмишда жиноят таркиби мавжуд эмас) – агар айбланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса ёки жиноятни бартараф этадиган ҳолатлар мавжуд бўлса;
- учинчи асосда (айбланувчининг содир этилган жиноятга алоқаси йўқлиги) шахснинг унга қўйилган жиноятни содир этишга алоқадор эмаслиги исботланган бўлса ёки унинг ушбу ҳаракатга алоқадорлиги исботланмаган бўлса, оқланиш мумкин;
- тўртинчи асосда (айбланувчининг айби исботланманлиги) агар шахснинг айбига оид етарли далиллар йиғилмаган бўлса ёки тўпланган далиллар унинг айбсизлигини тасдиқласа, оқлаш мумкин.

References:

1. Иноғомжонова З.Ф. Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишда суд назорати. Монография. –Т.: ТДЮИ, 2006. –Б.22.
2. Uralov Sarbon Sardorovich. PREJUDICE IS THE FINAL KEY TO EVALUATING EVIDENCE IN CRIMINAL PROCEEDINGS. *Wor.Bul.Man.Law.* [Internet]. 2023Jan.7 [cited 2023Feb.2];18:55-7. Available from: <https://scholarexpress.net/index.php/wbml/article/view/1931>
3. Bazarova D. Presumption of Innocence-A Criminal Procedural Guarantee as A Component of the System //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 14.
4. Абдумажидов Ғ.А. Адолат, жавобгарлик, жазо.// Ҳаёт ва қонун. -1999. -№4. –Б.5-9.
5. Bazarova, D. (2021). On assurance of rights and interests of the victim in criminal proceedings of the republic of uzbekistan. *PhD in Law*, 1(1), 1-11.
6. Prejudice in Criminal Case // US Sardorovich - Journal of Media & Management. SRC/JMM-175. DOI ..., 2022
7. МАХМУДОВ С. ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШДА ИСБОТ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ //ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ. – 2022. – Т. 2. – №. 4. – С. 69-77.